

Қ. ЙҰЛДОШЕВ, Қ. ҲУСАНБОЕВА, Н. ФУЛОМОВА

АДАБИЁТ

6-СИНФ УЧУН

ДАРСЛИК-МАЖМУА

ТОШКЕНТ “ЎҚИТУВЧИ” 1999

Қ. ЙҮЛДОШЕВ, Қ. ҲУСАНБОЕВА, Н. ФУЛОМОВА

А Д А Б И ё Т

6-СИНФ УЧУН

ДАРСЛИК-МАЖМУА

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги тасдиқлаган*

Педагогика фанлари доктори Қозоқбай ЙҮЛДОШЕВнинг
умумий таҳрири остида

ТОШКЕНТ “ЎҚИТУВЧИ” 1999

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ
ДАВЛАТ МАДХИЯСИ**

Мутал Бурҳонов мусиқаси Абдулла Орипов сўзи

Серқүёш, хур ўлкам, элга баҳт нажот,
 Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон,
 Яшнагай то абад илму фан, ижод,
 Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

НАҚАРОТ:

Олтин бу водийлар - жон Ўзбекистон,
 Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
 Улугъ халқ қудрати жўш урган замон,
 Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
 Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
 Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
 Хақсевар она юрт, мангу бўл обод!

НАҚАРОТ:

Олтин бу водийлар - жон Ўзбекистон,
 Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
 Улугъ халқ қудрати жўш урган замон,
 Оламни маҳлиё айлаган диёр!

К И Р И Ш

Маънавият ҳазинаси. Азиз, ўқувчи! Сиз ҳозирча бир мунча ёшсиз, лекин ёш бола эмассиз. Сиз ўйлашга ўрганиб бораётисиз, шу боис ҳаёт муаммолари ва уларни ҳал этиш, келажагини ўтмиши қадар юксак қилмоқчи бўлаётган ҳалқимиз тақдири ҳақида айтилаётган фикрларга тобора кўпроқ тушунадиган бўлиб бормоқдасиз.

Буюк бобомиз ҳазрати Алишер Навоий сиздан анчагина ёш вақтида "Мантиқ ут-тайр"дай катталарни ҳам ўйлантириб қўядиган чуқур мазмунли китобни ёддан билган, унинг мағзини чаққан.

Бобомиз Захириддин Муҳаммад Бобур сиздан ёшроқлигига тарқоқ Туркистонни бирлаштириш, уни инсоф ва адолат билан идора қилиш, элу юртнинг ҳаётини яхшилаш учун курашга тутинган эди.

Улардан анча асрлар олдин яшаган Фарғоний, Бухорий, Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино сингари кўплаб заковатли олимларимиз оламшумул қашфиётлари билан туркий ҳалқлар шуҳратини оламга ёйганлар. Улар буюклик сари дастлабки қадамларини айни сиздай пайтида қўйган эдилар. Чунки эртанинг пойдевори бугун қўйилади. Ёшлигига тиришқоқ, интилувчан бўлмаган кишининг кейинчалик яхши натижаларга эришиши мумкин эмас.

Агар буюк боболаримизнинг ҳаёт йўлларига синчиклаб назар солинса, ана шу улуғ зотларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган битта ажойиб хислатни пайқаш мумкин. Бу буюк хислат китоб билан сирдошлиқ, у билан тиллаша олиш бахтидир. Китобга меҳр қўйган, у билан сирлаша оладиган одамгина дунёning кўздан яширин жиҳатларидан, оламнинг мураккаблигидан хабардор бўлади, ҳаётнинг беқиёс гўзаллигидан баҳраманд бўла олади. Китобларга ошно бўлиб, бадиий адабиётга меҳр қўйган бундай одамни дунёда яшаган ва яшаётган бошқа кишиларнинг ҳаётига ҳам бефарқ қарамайдиган, қарай олмайдиган **шахс** дейиш мумкин. Чунки бадиий адабиётга чинакам меҳр қўйган, китоб ўқиши ҳаётий эҳтиёжига айлантирган кишигина ўзидан бошқа одамларнинг туйғуларини, ўйларини тушунадиган, ҳис этадиган бўлади. Шахсни ана шундай одамий фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашда бадиий адабиётнинг ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда ҳар бирингизда бадиий адабиётга ошно бўлиш имконияти бор.

Адабиёт арабча сўз бўлиб, одоблар йифиндиси, бошқача айтганда, **одоблар ҳазинаси** деган маънени билдиради. Одоб эса маънавият аталмиш тушунчанинг асоси ҳисобланади. Шунинг учун бадиий адабиётни **маънавият ҳазинаси** дейиш ҳам мумкин.

Агар бугунги кунда ҳалқимиз орасидан жаҳонга машҳур алломалар, довруғи оламни тутган ижодкорлар чиқмаётган бўлса, бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири сифатида ёшларнинг кам китоб ўқиётганлигини, одоблар ҳазинасининг бутун бойлигидан етарлича баҳраманд бўлмаётганлигини кўрсатиш мумкин. Чунки оламдаги барча буюк ишлар

боши толнинг айри илдизига кириб қолган эди. Мен ҳовуз лабидан туриб тортар эдим. Омон билан домла белидан олиб, сугиришга ҳаракат қиласар эдилар. Низоят, зўр бериб, ўликни ҳовузнинг четига чиқардик. Бироқ, бурунсиз боши йўқ эди. Буни кўрган Омон яна ҳовузга шўнғиб кетиб, толнинг илдизидан каллани ажратиб олиб, домлага узатди. Икковлари четга чиқдилар. Шошиб-пишиб, дарров сафар халтадан йўл учун олинган ипни олти қаватлаб, пушти кўрпа қавиқ нина билан каллани ўз жойига қўйиб, тика бошладилар.

Қойил қилди ҳазрат, «кўп ҳунарни биламан», деганича бор экан, чокка уста экан.

Иш жўнашиб кетди. Хаш-паш дегунча кафанни ҳам кўкладик. Ўликнинг очиқ бадани мумкин қадар кўздан яширинган эди. Лекин кафан учун берилган бўз парчаси тўпифидан нарига ўтмай, оёғи очилиб қолганди. Оёғида бўлса ҳалигина чамбарчас килиб боғланган узун арқоннинг шилиб юборган ўрни кўрга кўмилган лавлагидек кўриниб турар эди.

Сафар халтани бўшатиб, ичидагини белбоқقا тугдик. Халтани ўликнинг оёғига кийгизиб, кафана қўшиб кўкладик.

Омон кўйлак-иштонини кийиб олди. Домла ҳам иштонини, саллатўнларини номоз жумадагидек савлат қилиб кийиниб, қўл қовуштириб, башарасига пайғамбар нусха бериб, лабларида бир нималарни шивирлаб, ўлик тепасида тураг эди.

Мен бориб эшиқдан харсангни кўтардим. Жанозага йиғилган таъзиячиларни чақириб келдим. Ташқарида бўлса тол новдадан тўқилган узун дастали замбил аллақачон тайёр бўлган эди. Замбилининг икки томонидаги араванинг шотисига ўхшаш узун дасталари ўртасида олдинма-кетин икки от қўшилган эди. Ўликнинг эгалари атрофни қуршаб, баъзилари унинг бетларини силаб йиғлай бошладилар. Шунда бирисининг қўли ўликнинг боши тарафига тегиб, чалқанчасига ётган ўликнинг боши чаппа бўлиб қолганини сезди.

Маълум бўлишига қараганда, биз шошилиб, узилган каллани тескари ўрнатиб қўйган эканмиз.

- Бунинг бети нега терс бўлиб қолди? - деб сўради ўша киши. Бир оз шошиб қолган, аммо сипоҳгарчиликни қўлдан бермаган ҳазрат:

- Тириклигига кўп гуноҳ қилиб қўйган бўлса керак, худо юзини терс қилиб қўйди, - деб жавоб берди.

Мен бу ерда домланинг шунча зийрак, ҳозиржавоблигига қойил қолиб, ичимда: «Ўқиган илминг шу ерда иш берди», - деб қўйдим.

Бироқ бу билан сир яшириниб қолмади. Ўликнинг боши узилгани, калланинг гавдага терс ўрнатиб чатиб қўйилгани маълум бўлиб қолди.

Ўлик бир ёқда қолиб, оломон учовимизни қуршаб олди. Ҳазрат ҳам ишбоши, ҳам ёш жихатидан бизлардан катта бўлганлиги учун ҳамма

унга тикилган эди. Омон билан икковимиз оломоннинг орасидан бир амаллаб сұғурилиб чиқиб, күча томон қочдик. Орқамиздан қўпроқ умри отда юриб, пиёда қувлашга унча ҳам эпчил бўлмаган бир-иккита ўзбек келар эди. Ана шундай вақтларда тарқалиб қочган яхши. Омонга бақириб:

«Чапга қоч» дедим. Ўзим ўнгга қараб қоча бошладим. Домла оломоннинг орасида қолиб кетди. Нима бўлди, билмайман. Тирик бўлса, бирор гўрдан чиқиб қолар, ўлган бўлса, худо раҳмат қилсин.

Омон қочиб қайга борди, билмадим, мен бир зумдаёқ кўздан ғойиб бўлиб борар эдим. Олдимда бир тўқайлик пайдо бўлиб қолди. Тўқайнинг ичида ёлғиз йўл бор экан. Шу йўлдан чопиб кетавериб, бир сизот зовурга учрадим. Зовур менга бирдан-бир бошпана бўлди. Ўзимни зовурга ташладим. Орқамдан қувиб келганлар мени бир муддат қидириб боргач, изимни йўқотиб, қайтиб кетдилар.

Вақт кечикиб бормоқда, ўрталиқ қоронғилашмоқда эди. Кўрқа-писа зовурдан чиқиб, тўқайдаги сўқмоқ йўл билан кета бошладим. Лекин кўнглим Омон ва ҳазрати домла жихатидан анча ташвишда эди. Бечораларнинг бошига қандай қунлар келди экан?.. Нима бўлди экан, уриб ўлдирмадилармикин?

Азиз ўқувчи! Мана, сиз билан хайрлашув вақти ҳам келди. Сиз ўқув йили давомида бир қанча шеърлар, достонлар, ҳикоялар, қиссалар ва ҳатто икки романдан олинган парчалар билан ҳам танишдингиз. Уларда тасвир этилган қаҳрамонлар ҳаёти билан ошно бўлдингиз. Йил давомида уларнинг ташвишига шерик бўлдингиз, қувончларини ҳам баҳам кўрдингиз. Шу тариқа, сиз бошқаларни тушунишга, уларнинг шодлигу ғамларини англашга бир қадар одатландингиз. Сизнинг бадиий адабиёт борасидаги билимларингиз ҳам бу йил ўзлаштириб олган назарий маълумотлар ҳисобига сезиларли даражада бойиди.

Сиз, авваллари, фақат ўқитувчинингиз айтган нарсаларнигина ўқишига ўрганган бўлсангиз, эндиликда ўзингиз мустақил равишда китоблар танлай бошладингиз. Чунки сиз мустақил ўқиши қандай амалга оишрилишидан хабардор бўлиб бормоқдасиз.

Бизни умидлантирган энг муҳим нарса: ўргатилаётган ҳар бир асар юзасидан сиз йил давомида мустақил фикрлашга, ўз тушунчаларингизни баён этишга ҳаракат қилдингиз. Мустақил фикрлай олиш ҳар бир одам учун эришиши зарур бўлган юксак маррадирки, сиз шу йўлга дадил қадам қўйдингиз. Сизга дарсликда келтирилган асарлар юзасидан на муаллифларнинг, на ўқитувчиларнинг тайёр хулосалари берилган. Сиз бу хилдаги хулосаларни ўзингиз чиқаришга интилдингиз. Ўйлаймизки, сиз бадиий асарга ёндашиш йўлларини, уни таҳлил қилиш йўриқларини анча ўрганиб олдингиз.

Ўқув йили давомида «Бола - учкур хаёл сохиби», «Кечаги кун - сабоқ», «Сўзда ҳикмат бор», «Туйғуларнинг камалак ранги» сингари руқнлар остига тўпланган турли жанрлардаги қизиқарли бадиий асарлар билан ўқитувчиларингиз раҳбарлигига мустақил ишладингиз. Бу бизни жуда қувонтиради. Адабиёт - сиру синоатга бой бир дунё. Унинг ҳали сиз билмайдиган, лекин билмасангиз ҳаёtingиз кемтироқ бўлиб қоладиган жиҳатлари жуда кўп. Демак, сиз янаги ўқув йилида ҳам бадиий адабиёт билан астойдил шуғуланишингиз керак бўлади. Гўзал бадиий сўз замиридаги яширин маъноларни очишнинг янги босқичига кирасиз. Бу йўлда сизга омад ёр бўлсин!

Ўқув йили давомида доимий ҳамроҳ бўлган ушбу дарслик сизда қандай таассурот қолдирди? Сизга ёқдими? Қайси асарлар, нима учун ўзига ром этди? Эҳтимол, кўнглингизга унчалар ўтиришмаган, тушунилиши оғиррок бўлган мавзулар ҳам бордир. Демак, сизга ёқинқирамаган асарлар ҳам бўлиши мумкин. Шулар ҳақида ўқитувчинингиз билан фикрлашинг. Ўз қарашларингизни исботлашга ҳаракат қилинг. Бунинг учун дарсликдаги яхши ва ёмон жиҳатларни аниқ кўрсатиб беришга урининг.

Умид қиласызки, сиз таътил вактида ҳам бекор юрмайсиз. Бадий адабиёт билан тиллашишни ташлаб қўймайсиз. Китоблар ўқийсиз, улар ҳақда тенгдошларингиз билан фикрлашасиз. Еттинчи синфга баданингиз чиниқиб, ақлингиз пешланиб, юрагингиз покланиб соғ-омон келасиз. Таътилингиз кўнгилли ўтсин! Еттинчи синфда учрашгунча омон бўлинг!

МУНДАРИЖА

Кириш	4
-------------	---

БОЛА УЧҚУР ХАЁЛ СОҲИБИ

Топишмоқлар	9
-------------------	---

ЖанниРодари	13
Худойберди Тўхтабоев	22
Чингиз Айтматов.....	59
Жонатан Свифт.....	91

КЕЧАГИ КУН - САБОҚ

Абдулла Қаххор.....	99
Эркин Воҳидов.....	103
Одил Ёқубов.....	121
Муқимий.....	138
Ўткир Ҳошимов.....	143
Зулфия.....	152
Сайд Аҳмад.....	163

СЎЗДА ҲИКМАТ БОР

Бадиий сўз қудрати.....	174
Алишер Навоий.....	178
Қўшиқлар.....	188
Рабгузий.....	195
Латифалар ва асқия.....	206
Гулханий.....	213
Зоҳир Аълам.....	227
Абай.....	270
Тофай Мурод.....	285
Азим Суюн.....	323
Пиримқул Қодиров.....	331
Шайхэода.....	352
Faфур Fулом.....	357
Хотима ўрнида.....	366